

## ABOUT THE WORKS WRITTEN ON “DOING GOOD TO PARENTS”

Kodirov Abdivali Usmonkulovich,  
Teacher of the Tashkent Islamic Institute,  
+998 91 135 00 69  
Olimabdullaoh703@gmail.com

### Abstract

This article is written about the work "Birrul Walidain" by Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. The recognition of the scholars of the world that it belongs to the pen of Muhammad ibn Ismail al-Bukhari, as well as their arguments in this regard, is discussed.

**Keywords:** Saturday. She let it slide. It was delightful. The wall. The founding complex. They were created for the very beginning. It evolved into the benefits of complexes. Support. Attribution.

### Introduction

#### “ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ” БОРАСИДА БИТИЛГАН АСАРЛАР ҲАҚИДА

Қодиров Абдивали Усмонқулович,  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси,  
+998 91 135 00 69  
Olimabdulloh703@gmail.com

### Аннотация:

Бу мақолада Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асари ҳақида ёзилган. Унинг Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қаламига мансуб эканлиги тўғрисидаги дунё олимларининг эътирофи, ҳамда уларнинг бу борада айтган далиллари ҳақида сўз юритилади.

### Аннотация:

Данная статья написана о произведении Мухаммада ибн Исмаила аль-Бухари “Бирруль Валидайн”. Обсуждается признание учеными мира принадлежности его перу Мухаммада ибн Исмаила аль-Бухари, а также их аргументы на этот счет.

**Калит сўзлар:** Сабт, машйиха, Ас-Сила, Ал-Хитто, Мажмаул муассас, Холқу афъолил ибод, Исаротул фаваиди ал-мажмуати, санад, иснод.

Уламолар китоб таълиф қилаётганларида даврни ҳам инobatга олишади. Яъни, қаламга олинаётган мавзунинг кеча қандай эди, бутун қай аҳволда ва шу зайлда кетса, эртага нима бўлади. Ҳақиқий олим ўз давридаги ижтимоий-диний муаммоларни кўра олади ва уни бартараф этишга бор салоҳиятини сарфлайди. Уламо зот айтганидек: “Олим дегани - ҳар томонлама ходим дегани”.<sup>1</sup> Имом Бухорий ана шундай илм ва халқ ходимларидан биридир. Олим Исмоилий шундай деган: “Аллоҳ таоло унга (Имом Бухорийга) инсонларга манфаат келтиришдек буюк бахтни ато қилганди. У буни шараф билан адо этди”.<sup>2</sup> У зотнинг асарлари ҳижрий III асрдаги бутун ислом диёрларида мавжуд ақидавий, фикҳий, тарихий ва ижтимоий муаммоли масалаларга қаратилган. Жумладан, “Холқу афъолил ибод” асари ўша даврдаги мавжуд жаҳмия ва муъаттала сохта гуруҳларига раддия сифатида, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари саҳиҳ ҳадислар тўпламига бўлган эҳтиёж сабабидан, “Рафъул ядаини фис-солати” асари намозда икки қўлни кўтаришнинг жоизлигига далил ўлароқ, “Ат-Тарих ал-кабир” асари ишончли ва хронологик тарихни баён қилиш мақсадида, “Биррул волидайн” асари эса ота-онага яхшилик қилишга тарғиб сифатида ёзилгандир.

У зотнинг “Биррул волидайн” деб номланган асари ҳадисга оид жуз<sup>3</sup> тўпландир. Китобнинг Муҳаммад ибн Исмоилга нисбат берилиши бир қанча далилларга асосланади. Бу далиллардан баъзиларини зикр қилиб ўтаемиз:

1) Баъзи муҳаддислар ўз “сабт”<sup>4</sup> ва “машйиха”ларида уни Имом Бухорийга бориб туташадиган иснодлар билан ривоят қилган.

2) Бир қанча илм аҳли Имом Бухорийнинг таржимаи ҳолини ёзганда бу асарни у зотга мансублигини айтган.<sup>5</sup>

3) Баъзи асарларда асар муаллифи томонидан зикр қилиб ўтилган сўзлари.<sup>6</sup>

Жумладан, Ҳожи Халифа “Кашфуз-зунун”да: “Бу китоб 256-санада вафот этган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга оиддир. Бу китобни ундан

<sup>1</sup> “خَادِمٌ” сўзи араб тилида “хизмат қилувчи” маъносини билдиради.

<sup>2</sup> Уватов У. Ҳадис илмининг султони. Самарқанд.: Имом Бухорий халқаро Маркази, 2009. 96-бет.

<sup>3</sup> Жуз. Бу сўз араб тилида “парча”, “бўлак” маъноларини билдиради. Ҳадис илмида маълум бир кишидан келтирилган ҳадисларни тўплаш мақсадида тартибланган кичик қўламдаги ё бир мавзудаги ёки муайян тартибдаги ҳадисларни ёки бир ҳадиснинг барча ривоят йўллари билан бир ерга тўплаган бир неча саҳифалик китобларга жуз дейилади.

<sup>4</sup> نَبْتٌ арабча сўз бўлиб “хужжат”, “далил” маъноларини билдиради. “Муҳаддиснинг сабти” бу - унда муҳаддиснинг ривоятлари вашайхларининг исмлари жамланган бўлади.

<sup>5</sup> Ҳожи Халифа “Кашфуз-зунун”да: “Бу китоб 256-санада вафот этган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга оиддир. Бу китобни ундан Муҳаммад ибн Закрума Варроқ ривоят қилган. Бу у кишининг мавжуд таснифотларидандир. Бу ҳақда Ибн Ҳажар зикр қилган”, дейди.

<sup>6</sup> Ҳофиз Ибн Ҳажар “Ал-Мўъжамул муфаҳрис”да, “Фатҳул Борий”да, Ҳофиз Шамсиддин Саховий “Ал-Қовлул бадиъу”да, Рувданий “Ас-Силату”да ва Сиддиқ Ҳасанхон “Ал-Ҳиттоту”да “Биррул волидайн” асари Имом Бухорийга тегишли эканини айтиб ўтишган.

Муҳаммад ибн Закрума Варроқ ривоят қилган. Бу у кишининг мавжуд таснифотларидандир. Бу ҳақда Ибн Ҳажар зикр қилган”, дейди<sup>7</sup>.

Уламолар “Биррул волидайн”ни Имом Бухорийдан ривоят қилган киши Ибн Далливайҳ эканига иттифоқ қилишган. Улардан баъзилари ўзларининг “Биррул волидайн”гача бўлган санадларини Ибн Далливайҳнинг йўли билан ривоят қилса, баъзилари “китобнинг ровийси Ибн Далливайҳ” деб қатъий таъкидлаб ўтганлар. Улардан:

1. Ҳофиз, суннат ҳимоячиси Абул Қосим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Фазл Таймий Қурайший Асбаҳоний (в 535 х). У асарни “Ат-Тарғиб ват-тарҳиба” Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Тифлисийдан, у Абу Яъло Ҳамза ибн Абдулазиз Маҳлабийдан, у Ибн Далливайҳдан, у Имом Бухорийдан ривоят қилган.

2. Ҳофиз Абу Саид Абдулкарим ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Музаффар Мансур Самъоний (в 562 х) “Мунтахаб”да (2/1175 ва 1360) Абу Ҳафс Умар ибн Али Бахтарий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳусайний Ҳароқийдан, “Ал-Ансоб”да (2/414-415) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Жийлийдан, барчалари Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Ҳалаф Шерозийдан, у Ҳамза Маҳлабийнинг санади билан ривоят қилган.

3. Ҳофиз Зиё Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Мақдисий ўзининг “Сабт”ида (65-66 б) “Биррул волидайн”ни Ҳофиз Абу Музаффар Абдурахим ибн Ҳофиз Абдулкарим Самъонийнинг ҳузурда ўтириб эшитганини қайд этган. У Абулқосим Абдулкарим ва Абу Абдурахмон Аҳмад Ибний Ҳасан ибн Аҳмад ибн Яҳё Котиб ва Умму Салама Сатик бинт Ҳофиз Абдулғофир ибн Муҳаммад Форисийлардан эшитган. Учовлари Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Ҳалаф санади билан ривоят қилишган. Шунингдек, Самъонийнинг ривояти билан Абу Мансур Абдулҳолиқ ибн Зохирдан, у Тифлисийнинг санади билан ривоят қилган. Зиё Муҳаммад уни яна Абулқосим Саффорддан, у Абулмаолий Умар ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Бастомий, Абу Бакр ибн Ҳалаф Шерозий ва Фотима бинту Исмоил ибн Абдурахмон Собунийлардан, учовлари Абу Яъло Маҳлабийдан эшитишган.

4. Ҳофиз Салоҳиддин Алоий “Исаротул фаваиди ал-мажмуати” асарида (1-жилд 136-бет) келтиради. У “Биррул волидайн”ни Ибн Заррод номи билан машҳур Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абул Ҳижойй Солиҳийга ўқиб берган. У Али ибн Юсуф Сурийдан, у Зайнаб бинт Абдурахмон Шаърийдан, у Умар ва Ойиша бинту Аҳмад ибн Мансур Саффорддан, иккаласи: “Бизга Абу Бакр ибн Ҳалаф сўзлаб берди” деб айтган. Шунингдек, Ойишанинг ривояти билан у Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Тифлисийдан, Тифлисий ва Ибн Ҳалаф “Бизга Абу Яъло Ҳамза Маҳлабий хабар берди” деганлар.

<sup>7</sup> Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий, 1-жуз. Тошкент.: “Hilol-nashr”, 2016. 572 бет.

5. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқолоний “Мажмаул муассас”<sup>8</sup> ва “Мўъжамул муфахрис”<sup>9</sup> ривоят қилган. У китобни Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али Мажид ва Муснадатуд дунё Умму Ҳасан Фотима бинту Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мунажжаларга ўқиб берган. Иккисининг ижозати билан Ибн Заррод Солиҳий (Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Ҳижойй) нинг юқорида ўтган исноди орқали, шунингдек, Ибн Абу Мажиднинг ижозати билан Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъддан, у Абдулхолиқ ибн Анжабдан, у Абдулхолиқ ибн Зоҳир ибн Тохирдан, у Тифлисийдан унинг санади орқали, Фотиманинг ижозати билан Тақий Сулаймон ибн Ҳамзадан, унинг ижозати билан Умар ибн Каромдан, унинг ижозати билан Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Мансур Саффорддан, у Ибн Ҳалафдан унинг санади билан ривоят қилган. Бундан ташқари Ҳофиз Шамсуддин Саҳовий “Ал-Қовлу ал-бадиъ”<sup>10</sup> да, Рувдоний “Ас-Сила”<sup>10</sup> да ва Сиддиқ Ҳасанхон “Ал-Хитто”<sup>11</sup> да “Биррул волидайн” асари Имом Бухорийнинг мавжуд асарларидан эканини тасдиқлаганлар. Бунга барчалари ўзларини далилларини келтириб ўтганлар.

Хулоса қиладиган бўлсак “Биррул Волидайн” асари Имом Бухорийнинг қаламига мансуб эканлиги борасида айтилган сўзлар, келтирилган далиллар ва ривоятлар ишончли ва етарличадир. Бу асарни Бухорийнинг қаламига мансуб эмас дейдиганлар жуда озчилик бўлиб, уларнинг далиллар етарлича эмас. Қолаверса буларнинг далилларига олимлар томонидан етарлича жавоб берилган. Демак бундан маълум бўладики, бу асар Имом Бухорий қаламига мансуб.

### ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Т.: “Nilol-Nashr”, 2019. – 384 б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Яхшилик ва силаи раҳм: 1- жуз, - Т.: “Nilol-Nashr”, 2019. – 230 б.
3. Убайдулла Уватов. Ҳадис илмининг султони. – Самарқанд.: Имом Бухорий халқаро Маркази, 2009. – 96 б.
4. Жалолиддин Хамроқулов. Тайсиру мусталаҳул ҳадис. – Тошкент.: “Маворуннахр”, 2004. – 230 б.
5. Донёр Муратов. Ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганиш. – Тошкент.: “Ғофур Ғулом”, 2011. – 219 б.
6. Муаллифлар жамоаси. “Ан-Наим ул-кабир” арабча-ўзбекча луғат. – Наманган.: “Наманган”, 2018. – 805 б.

<sup>8</sup> Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқолоний. “Ал-Мажмаул муассас” 2-жуз. Байрут.: Дорул кутубил илмийя. 392-бет.

<sup>9</sup> Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқолоний. “Ал-Мўъжамул муфахрис” 83/231. Байрут.: Муассасатур рисала, 199-бет.

<sup>10</sup> Рувдоний. “Силатул холаф бимавулис-салаф”. Қоҳира.: Дорул райяни лит турос. 140-бет.

<sup>11</sup> Сиддиқ Ҳасанхон. “Ал-Хитто фи зикрис-сихоҳи ас-ситта”. Байрут.: Дорул кутубил илмийя. 240-бет.

7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/Таҳқиқ ва таълиқ: Абу Яъқуб Азҳарий. – Қоҳира.: Мактабатул Имамил Бухорий, 2014. – 96 б.
8. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/ Иная ва таҳриж: Бассом ибн Абдулкарим Ҳамзовий. – Тунжа, Мағриб.: Ал-Мактабатул Каттонийя, 2014. – 110 б.
9. Абул Ҳасан Муслим ибн Ҳажжож Найсабурий. Саҳиҳи Муслим. – Ар-Риёд.: Дорут тоййиба, 2006. – 596 б.
10. Заҳабий. Сияр аълумун нубало, 2-жуз. – Байрут.: Дорул фикр, 1997. – 496 б.
11. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Байрут.: Дорул фикр, 1997. – 486 б.
12. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-Мўъжамул муфаҳрис. – Байрут.: Муассасатур рисала, 1998. – 493 б.
13. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий, муқадима. – Қоҳира.: Дорул райяни лит турос, 1986. – 686 б.
14. Ҳофиз Шамсиддин Саховий. Ал-Қовлул бадиъу. – Қоҳира.: Дорул райяни лит турос, 1996. – 656 б.
15. Рувданий. Силатул холаф бимаवсулис салаф. – Қоҳира.: Дорул райяни лит турос, 1999. – 456 б.
16. Сиддиқ Ҳасанхон. “Ал-Хитто фи зикрис-сиҳоҳи ас-ситта”. – Байрут.: Муассасатур рисала, 2002. – 489 б.